БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ: ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Ҳ.Исмоилова, Д Араббоев

Мақолада халқаро ҳуқуқ доирасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида бу борада амалга оширилган ишлар ёритилган.

***Калит сўзлар**: инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари, декларация, конвенция, миллий қонунчилик, конституция.*

В статье рассмотрены вопросы защиты прав ребенка в рамках международного права, также освещены мероприятия, проведенные в Республике Узбекистан в годы независимости.

***Ключевые слова**: права человека, права ребенка, декларация, конвенция, национальное законодательство, конституция.*

The article elucidates the problems of human rights, namely, rights of child within the boundaries of laws, development of International declaration and conventions for protection of human rights and rights of child.

***Key words**: human rights, rights of the child, declaration, convention, national legal system, constitution.*

Бола ҳуқуқлари ва унинг таъминланиши минг йиллар давомида инсоният учун долзарб ва зарурий масала бўлиб келган. Халқаро ҳуқуқ доирасида Инсон ҳуқуқлари ва айнан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро декларация, конвенцияларнинг ишлаб чиқилгани ва амалиётга татбиқ этилаётгани, шубҳасиз, инсоният эришган энг катта ютуқлардан биридир. Одамлар ва давлатлар кўп йиллар мобайнида бир-бирлари билан кўплаб соҳа ва можаролар доирасида келишув ва шартномалар тузишган. Савдо, иқтисодий, маданий, коммуникациявий алоқаларни тартибга солиш, урушларга барҳам бериш, қўшилмаслик ҳаракати тўғрисидаги келишувлар шулар жумласидандир. Бироқ инсониятнинг Инсон ҳуқуқлари ва бола ҳуқуқларига доир халқаро аҳамиятга эга бўлган декларация ва конвенцияларга имзо чекиши том маънодаги маданий дунёнинг олийжаноб юзини кўрсатди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг биринчи моддасида шундай дейилади: “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган ва улар бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабат қилишлари керак” [3.6]. Бу декларацияда назарда тутилган залворли сўзлар хулосасига келиш учун инсониятга минг йиллар зарур бўлди. БМТ нинг Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияси “боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган холда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлигини эътироф этади.” [4.32] Бу болаларнинг ҳар қандай жамият ва айни вақтда инсониятнинг келажаги эканлигини чуқур англаш ҳосиласи эди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги амалий фикрлар ва долзарб масалалар БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилиниб, Америка ва Сомалидан бошқа барча аъзо давлатлар томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида ўз ифодасини топган. Бу халқаро ҳужжат бошқа барча аъзо давлатлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган. Ушбу конвенцияда БМТнинг дастурий принциплари ва инсон ҳуқуқларига доир бир қанча тегишли факт ва декларацияларнинг муайян қоидалари тилга олинган. Унда болалар ўз эҳтиёжмандлигидан келиб чиқиб махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка муҳтож экани таъкидланган, болаларни ҳимоялаш борасидаги асосий ғамхўрлик ва масъулият оилалар зиммасида эканига алоҳида эътибор қаратилган.

Унда, шунингдек, болани туғилгунча ва туғилганидан кейин ҳам ҳуқуқий ва бошқа жиҳатлардан муносиб даражада ҳимоялаш, бола мансуб бўлган халқнинг маданий қадриятларини ҳурмат қилиш зарурлиги ҳамда бола ҳуқуқларини ҳимоялашда халқаро ҳамкорлик ҳаётий муҳим аҳамиятга эгалиги ўз тасдиғини топган [5.8]. Шунингдек, ушбу Конвенция боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун ривожланишида ҳар бир халқнинг анъана ва қадриятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир мамлакатда болага муносиб турмуш шароитларини яратишда халқаро ҳамкорлик қилишни кўзда тутади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ҳам бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бир қатор миллий қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Айниқса, 2008 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари кафолотлари

тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон қўшилган “Бола ҳуқуқлари Конвенциясининг” миллий қонунчиликка тўлиқ имплементацияси ҳисобланади [6.370].

Бола ҳуқуқлари Конвенцияси 18 ёшга тўлмаган ҳар бир фуқарони, агар миллий қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, бола деб эълон қилади. “Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда ўз таъсир доирасида бўлган ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси ёхуд бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ҳурмат қиладилар ҳамда шу ҳуқуқларни таъминлаб берадилар” [5.10]. Айнан мана шу қоидалар бу конвенциянинг умуминсоний характерини очиб бера олади. Бу жиҳатдан конвенция боланинг ҳуқуқларини ҳар қандай камситишлардан ҳимоя қилаётгани аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида “Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради” [5.165] деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, бу миллий қонунимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенглигини эътироф этган [5.165]. Бола ҳуқуқлари конвенцияси ва миллий қонунчилигимизнинг яна бир моҳиятан ҳамфикр бўлган инсонпарвар тамойили яшаш ҳуқуқини узвий ҳуқуқ деб тан олинишида кўринади. Шунга кўра, конвенциянинг 6-моддасида “Иштирокчи-давлатлар ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этадилар. Иштирокчи-давлатлар боланинг омон яшаши ва соғлом ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб берадилар” [5.11] дейилган бўлса, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”-ги Қонуннинг 8-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади” [5.165] деб таъкидланади.

Шуни адолатли тарзда тан олиш керакки, халқаро Конвенция дунё қонунчилик тизимида боланинг эркин фикрлаш ва ўз фикрини тўла ифодалаш эркинлигини биринчилардан бўлиб тан олди ва аъзо давлатларни бу модданинг устувор эканлигига ишонтира олди. Унда, хусусан, шундай дейилади: “Бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни, чегарасидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади” [5.14].

Айнан мана шу нормалар дунё бўйлаб бола ҳуқуқлари устувор эканлиги ва унинг руҳий дунёси, виждони, эътиқоди, илмий ва маънавий олами дахлсизлигини кўрсатиб берди. Минг йиллар мобайнида инсоният кўпдан кўп мафкуравий жараёнларни бошидан ўтказган. У ёки бу тузум шароитидаги ижтимоий ҳаётнинг турлича бўлганлиги табиий, албатта. Аммо ҳар қандай замон ва маконда дахлсиз ва муқаддас тушунчалар бўладики, бу тушунчалар инсоннинг азиз ва мукаррам эканлигини эслатиб туради. Бу мезонлар сирасига биз биринчилардан бўлиб инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари каби ўлмас тамойил ва тушунчаларни кирита оламиз. Қадимги дунё тарихига назар ташласак, у ёки бу жараёнда инсон ва, айниқса, бола ҳуқуқларига эътибор берилмаганини, бу масалалар кўп ҳолларда кераксиз ва майда ҳодисалар сифатида англанганини кўришимиз мумкин бўлади. Кўпдан кўп давлатлар йиллар давомида уруш ва қамал шароитларида яшаганлар. Ўзаро зиддият ва кураш шароитларида давлатлар ҳатто болалардан аскар сифатида ҳам фойдаланишга мажбур бўлганлар (Спарта, Карфаген давлатлари). Айрим тарихий даврларда эса бола учун илмий ва маданий оламни англаш эмас, тирик қолиш ва егулик билан қаноатланишнинг ўзиёқ ҳаёт мазмунига айланиб қолган. Айрим ночор давлатларда кузатилган шафқатсиз эпидемия ва касалликлар минглаб болаларнинг бевақт вафотига сабаб бўлгани ҳам айни ҳақиқатдир. Айниқса, инсоният бошига тушган жаҳон урушлари инсон шаъни ва қадр қимматини ер билан яксон қилди. Инсон ва бола ҳуқуқлари кун тартибидан кўтарилди. Бу эса инсоният тараққиёти учун қайғурган ҳар бир инсон учун ачинарли вазиятдир. Бироқ мана шундай пессимистик давр ва вазиятларда ҳам инсоният олға қадам ташлашни унутмади. Ўз қадру ғурурини олий қадрият сифатида билган ва эъзозлай олган замин аҳли ўз ҳуқуқлари учун ҳам кураша олди. Мана шундай эзгу интилишларнинг самараси ўлароқ, у бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни мақсад қилиб қўйган ташкилот ва кўплаб тузилмалар тузди. Буларнинг аввалида, шубҳасиз, Бирлашган Миллатлат Ташкилоти туради. Бу ташкилот ўз олдига қўйган мақсад ва интилишлар йўлида мана 72 йилдирки ҳаракат қилиб келмоқда. Бу ташкилот томо-

нидан олиб борилган кўплаб масалалар, хусусан, бола ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кўплаб ишларни келтириш мумкин. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева Декларацияси (1924), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация (1959), Бола ҳуқуқлари Конвенцияси (1989) ҳамда 2002 йилда қабул қилинган иккита: Қуролли можароларда иштирок этувчи болалар тўғрисидаги қўшимча протокол ва Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва порнографиясига тааллуқли қўшимча протокол [6.376] шулар жумласидандир. Шунингдек, БМТ ювенал юстицияга оид бир қатор ҳужжатлар: 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалар ("Пекин қоидалари"), 1990 йил 1 декабрда қабул қилинган Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий тамойиллар ("Ар-Риёд дастурий тамойиллари"), 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари ("Токио қоидалари")ни [6.373] қабул қилган ва ҳаётга татбиқ этмоқда. Бу эса жаҳон бўйлаб болалар ҳуқуқларининг янада фаолроқ таъминланишига, ҳар қандай шароит ва ҳолатларда уларга кўмак беришга ёрдамлашади.

Болалар ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ЮНИСЭФ ташкилотининг ҳам ўрни катта. Бу ташкилот 1946 йил 11 декабрда БМТ Бош ассамблеясининг қарорига кўра урушдан жабр кўрган болаларга ёрдамлашиш мақсадида ташкил этилган. Кейинчалик унинг фаолияти кенгайиб, халқаро миқёсда болалар ва аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиб келмоқда. Ушбу ташкилот Ўзбекистонда 1994 йилдан буён фаолият кўрсатади. Соғлиқни сақлаш тизимидаги хизматлар сифатини янада яхшилаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш, эмлаш тадбирларига ёрдамлашиш, ўрта таълим соҳасидаги ишларга илғор тажрибаларни татбиқ этиш ва бошқа кўплаб тадбирлар ҳамкорлик дастурининг асосий йўналишларидандир [7.2].

Бола ҳуқуқларининг таъминланиши мустақил Ўзбекистон сиёсатининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Айни шу нуқтаи назардан олиб қараганда, республикамизда бу соҳада бир қанча назарий ва амалий ишлар амалга оширилган. Хусусан, Бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV бобида ўзига хос ва такрорланмас усулда намоён бўлган. Конституциянинг 64-моддасида: "Ота-она ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради"[1.22],- деб таъкидланган. 65-моддада эса: "Фарзандлар ота-оналарнинг насл насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади" [1.22] дея кафолатланган. Шу моддаларнинг ўзиёқ, Ўзбекистоннинг бу масала бўйича ўз олдига қўйган принципиал йўлининг устуворлигини кўрсатади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1994 йил 16 июндаги "Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 1994 йил 23 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги ва бошқа фармонлари мамлакатимизда болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда [6.370]. Бу эса Ўзбекистоннинг бола ҳуқуқларига эътибор берувчи ва уни муҳофаза этувчи давлатлар орасида етакчилардан бири эканлигини кўрсатади. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Мустақиллик йилларида Республикамиз миллий қонунчилигида яна кўплаб қонун ва бошқа ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилдики, бу бола ҳуқуқларига бўлган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Соғлиқни сақлаш тўғрисида"ги, "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, 1991 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги ва "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Бу ишлар Инсон ҳуқуқлари, Болалар ва оналар муҳофазасини долзарб масала деб ҳисоблаган Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда шундай деганди: "Биз наслимиз соғлом бўлишини таъминлашни ўзимизга буюк мақсад қилиб олдик. Дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистон "Соғлом авлод учун" деган орден таъсис этди. Бизнинг вазифамиз – энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди" [2.163].

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2016 – 74 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том.- Т.: Ўзбекистон, 1996.- 364 б.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси. БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги Ваколатхонаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази.- Т., 1998 – 48 б.
4. Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги.- Т; Ўзбекистон, 2013.- 624 б.
5. Ҳамдамова Ф. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: халқаро андозалар ва миллий қонунчилик.- Т.; Ўзбекистон 2010. – 301 б.
6. Мўминов А.Р., Тиллабоев М.А. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик.- Т.: 2013- 504 б.
7. Алимардонов О. Бола ҳуқуқлари ЮНИСЕФ нигоҳида // Соғлом авлод учун журнали.- 2016.- №7.- Б.2-4

Андитжон давлат университети,
2017 йил 6 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Т.Т. Мадумаров)